10 598

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармонига қисман ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Хорижий сармоялар иштирокидаги кичик ва ўрта корхоналарни рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармонининг 1-банди қуйидаги тарзда баён қилинсин:

«Белгилаб қўйилсинки, 1998 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қуйидаги шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этиладиган корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига киради:

корхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;

корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт;

хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган ҳудуддаги шаҳар ва туман ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуний ва меъёрий ҳужжатларига мазкур Фармонга мувофиқ равишда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 27 март.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистонда асрлар оша яшаб келаётган томоша санъати анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотларда театр арбобларининг фаол иштирокини таъминлаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи бадиий баркамол санъат асарлари яратиш, махсус таълим тизимини замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириш, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида» Фармон чиқарди.

* * *

Пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги давлат Академик катта театри олдидаги майдонда Халқаро театр куни-га бағишлаб «Театр, оила ва экология» деб номланган байрам тадбири ўтказилди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов йиғилганларни байрам билан муборакбод этар экан, юртбошимизнинг Халқаро театр куни арафасида чиқарган Фармони мамлакатимизда адабиёт, маданият ва санъатга эътибор тобора ортиб бораётганидан далолат эканини таъкидлади. Фармон асосида ташкил этиладиган «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошидаги Театр ижодкорлари уюшмаси театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириб, театр арбоблари фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутади.

* * *

Ҳиндистон элчихонаси маданий марказида Наврўзга бағишланган тантана бўлди. Унда шарқшунос ва тарихчи олимлар, адиблару рассомлар, санъатшунослар, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

* * *

Шаҳрихон туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалиги пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб чигитни плёнка остига экиш режасини бажарди.

Дастлабки майдонларда чигит бир текис униб чиқди. Пахтакорлар ғўза парваришига киришди.

* * *

Ўзбекистон Давлат санъат музейида «Германияда портрет фотосурати — 1850—1918» фотокўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Давлат санъат музейи ва Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу тадбирда 1850—1918 йилларда германиялик фотосуратчилар томонидан тасвирга олинган юзга яқин портрет намойиш қилинмоқда.

Кўргазма 20 кун давом этади.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 28 март, шанба • № 38 (22.275).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ОЛИЙ МАЖЛИСГА ТАШРИФ

27 март куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган уч қўшни мамлакат раҳбарлари — Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмонов Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Олий Мажлисининг янги биносига ташриф буюрдилар. Пойтахт кўркига кўрк қўшиб турган, ўзида замонавий ва анъанавий меъморчиликнинг кўплаб услубларини мужассам қилган, жозибадор нақшлар ва ўймакорлик санъатининг нафис намуналари ҳамда нозик безаклар билан ишланган ушбу бинони меҳмонлар катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Олий мартабали меҳмонлар компьютерлаштирилган ва ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган зал, у ерда, кузатувчилар, журналистлар учун алоҳида ажратилган бўлмалар, турли тоифадаги меҳмонларни қабул қилишга мўлжалланган махсус хоналарга эга мазкур бино жаҳон андозаларига тўла мос эканини айтдилар.

Меҳмонлар бу ерга ташриф давомида Олий Мажлис фаолияти, Ўзбекистонда қонунчилик соҳасида юз берган сўнгги янгиланишлар, парламентлараро алоқалар қай даражада ривож топаётгани ҳақида батафсил маълумот олдилар. Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов Президентларга Олий Мажлиснинг эсдалик нишонларини топширди.

Шу куни олий мартабали меҳмонлар ўз юртларига жўнаб кетдилар. Пойтахт аэропортида меҳмонларни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов кузатиб қолди.

(ЎзА).

***

СУРАТДА: ташриф пайти.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

БИРЛАШГАН, АЛБАТТА, ЎЗАДИ

Бугунги кунда жамият тараққиётини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Буни жаҳон халқлари тажрибаси ҳам яққол кўрсатиб турибди. Айниқса, ўтиш даврида ҳукуматнинг — бош ислоҳотчининг фаолиятини, чиқарилаётган қарору фармонларнинг туб моҳиятини халққа етказиш, айни пайтда жамиятда мавжуд муаммоларни таҳлилий равишда ёритиб бориш ўта муҳим.

Шу маънода кеча иш бошлаган «Оммавий ахборот воситаларида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ҳаётга таҳлилий-танқидий қарашни кучайтириш» мавзуидаги семинар-кенгаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Анжуманни оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Х.Дўстмуҳамедов очди.

Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев кириш сўзида оммавий ахборот воситаларининг талаб даражасида ишламаётганини таъкидлаб ўтган бўлса, Президент девони Ахборот маркази раҳбари С.Ҳакимов бир неча муаммолар қатори журналистнинг ҳаётга расмий нигоҳ билан қарашда давом этаётганини, нашрлардаги бир хиллик ўқувчини зериктираётганини эътироф этди.

Бу каби қатор танқидий фикрларнинг билдирилиб туриши, албатта, эртанги иш самараси учун ўзининг ижобий натижаларини беради.

Бироқ, журналистик фаолиятга тўғаноқ бўлаётган муаммолар мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Хусусан, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ҳақида тўхталиб, бунинг учун уларга тепадан туриб таъсир ўтказишдан воз кечиш кераклиги ҳақида «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Э. Аъзамов фикр билдирди. Андижон телерадиокомпанияси раисининг тижорат каналлари ёшлар ахлоқига тўғри келмайдиган кўрсатувларни тўғридан-тўғри четдан олиб бераётганлиги ҳақидаги гаплари ҳам ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолардан бири сифатида иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

— Ташқаридан бўладиган таъйиқлар ҳамон давом этяпти, — дейди «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари бош муҳаррири А.Усмонов. — Бош муҳаррир столига келиб тушишга улгурмаган мақола юзасидан чекка вилоятлардан туриб қўнғироқ қилишади. Бунга чек қўйиш керак-да, ахир.

Ушбу гаплар анжуман бошидаёқ журналист ва нашрларни қийнаётган муаммолар ҳақида сўзлаган таниқли олим, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири О. Шарафиддинов фикр-мулоҳазаларининг узвий давоми сифатида кўпчиликка маъқул бўлди.

Савол-жавоблар давомида эса журналистлар қонун билан белгилаб қўйилган ўз ҳуқуқларидан фойдалана олмаётганларини, айрим мансабдор шахслар ва ташкилотлар ишга тўғаноқ бўлаётганлигини айтиб ўтишди.

Ушбу анжуманда билдирилган шу каби фикр-мулоҳазалару эътирозлар мавжуд муаммоларни бартараф қилишда муҳим роль ўйнаши табиий. Бунинг учун эса айтилган гаплар тор доира ўртасида қолиб кетмаслиги лозим. Тегишли жойларда, муаммоларга бевосита алоқадор идораларда ушбу масалалар кўриб чиқилган тақдирдагина натижа салмоқли бўлиши мумкин.

Семинар-кенгашда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов, Президентнинг матбуот котиби А. Зиёев иштирок этди.

Бугун давом этадиган анжуман кечагидан-да жўшқин бўлишини истаб қоламиз.

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги БАЁНОТИ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарлари ўз халқларининг тарихий ва маданий муштараклигига асосланган, турли соҳаларда давлатлараро ҳамкорликнинг муҳим аҳамиятини эътироф этган ҳолда, умумий иқтисодий макон барпо этиш учун шароит яратиш истагида, Марказий Осиё халқлари тинчлиги, хавфсизлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётини мустаҳкамлашни кўзлаб, 1998 йил 26 март куни Тошкент шаҳрида навбатдаги учрашувни ўтказдилар.

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари:

— Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Тожикистоннинг қўшилишини якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар.

— Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартноманинг очиқлигини яна бир бор тасдиқлайдилар ва Туркманистоннинг ҳам бу Шартномада ўзига мақбул тарзда иштирок этишини қутлашларини алоҳида таъкидлайдилар.

Давлатлар раҳбарлари:

— босқичма-босқич эркин савдо зонаси — божхона иттифоқи — тўлов ва валюта иттифоқлари ва ниҳоят — товарлар, хизматлар ва сармояларнинг умумий бозори томон илгарилаган ҳолда, иқтисодий интеграция ва ўзаро алоқаларни изчиллик билан чуқурлаштиришларини;

— ҳозирги пайтда агросаноат мажмуида, сув-энергетика соҳасида, транспортда, ишлаб чиқариш кооперацияси ва тўлов-ҳисоб-китоб муносабатларида ҳамкорлик қилиш интеграциянинг устувор йўналишлари эканини;

— Марказий Осиё давлатларининг интеграциялашуви ҳар бир мамлакатнинг ўз манфаатларига асосланган ва шу манфаатлардан келиб чиқадиган табиий ва объектив жараён деб ҳисоблашларини алоҳида эътироф этадилар.

Томонлар:

иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш учун мақбул шарт-шароит яратиш мақсадида миллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни бир-бирига мослаштириш ишларини фаоллаштиришга;

Марказий Осиё минтақаси иштирокчи давлатлари тараққиётининг умумий истиқболини кўзлаган ҳолда, яқин йиллардаги минтақавий иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқишга;

ягона иқтисодий макон барпо этишнинг дастлабки ва муҳим босқичи сифатида минтақада эркин савдо зоналарини шакллантиришни бошлаб юборишга;

Шартнома иштирокчиси бўлган давлатлар халқ хўжалиги мажмуаларининг устувор тармоқларида тузилажак халқаро консорциумларнинг фаолияти ўзаро манфаатли, умумий, минтақаларо лойиҳаларни амалга оширишга қаратилиши лозимлигига;

умумий аграр бозорни вужудга келтириш мақсадида, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш тармоғини эса хомашё билан таъминлаш юзасидан аграр секторни ривожлантиришда ўзаро келишилган сиёсатни амалга оширишга;

ижтимоий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ва ўзаро мустаҳкам алоқаларни фаол ривожлантиришга;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий офатлар ва фалокатлар оқибатларини тугатиш бўйича ўзаро келишилган саъй-ҳаракатларни режалар асосида амалга оширишга, Орол денгизи ҳавзаси ва Оролбўйида экология вазиятини яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттиришга;

қабул қилинган қўшма қарорлар сўзсиз бажарилишини таъминлашга келишиб олдилар.

Томонлар ҳукуматларига:

Марказий Осиё минтақасини янада ривожлантиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш мақсадида Бош вазир ўринбосарлари даражасида комиссия тузиш;

божхона қонунчилигини бир-бирига яқинлаштириш, божхона тўловлари, эгри солиқлар миқдорини мослаштиришни таъминлаш, ўзаро савдо-сотиқда божхона назоратини амалга оширишнинг ягона тамойиллари тўғрисида ўзаро келишилган қарор қабул қилиш;

божхона ишларини қийинлаштирадиган, товарларнинг эркин ҳаракати ва мамлакатлар орқали олиб ўтилишига тўсқинлик қиладиган қарорлар қабул қилмаслик;

тўланмаган ўзаро қарзлар муаммоларини ҳал этиш учун тижорат банклари имкониятларини, корхоналарнинг векселлари ҳамда қарз мажбуриятларини ишга солиш;

ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари, мавжуд ресурслари, ишлаб чиқариш имкониятлари ва истиқболларини, ўзаро меҳнат тақсимоти натижасида эришилган ютуқларни ҳисобга олган ҳолда, қўшма корхоналар ва ишлаб чиқариш кооперацияси тармоғини ривожлантириш;

Марказий Осиё энергетика тизимидаги ўзаро алоқаларнинг самарали йўлларини топиш, бунинг учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш;

транспортнинг барча турларида тариф сиёсатига ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш, муҳим юкларни ташиш бўйича тариф йўлаклари барпо этиш, транспорт хизмати бозорида мамлакат юк ташувчилари улушини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

Шартнома иштирокчиси бўлган давлатлар ҳудудига келтириладиган товарлар сифатини назорат қилишнинг ягона тамойилларини ишлаб чиқиш, ички бозорда вақтинча ҳимояга муҳтож бўлган товарларнинг келишилган рўйхатини тузиш;

уюшган жиноятчиликка, террорчиликка, наркотик ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши ва сотилишига қарши курашни кучайтириш борасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, ўзаро келишилган стратегияни амалга ошириш;

Марказий Осиё мамлакатлари фуқаролари ўртасида ўзаро мулоқотларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чораларини амалга оширишга кўмаклашиш топширилади.

Президентлар Марказий Осиё халқларининг туб манфаатларига мос келадиган абадий дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун мумкин бўлган барча чораларни кўришга қатъий аҳду паймон қилганликларини яна бир бор таъкидлайдилар.

Президентлар Марказий Осиё келгуси минг йилликда жаҳон цивилизациясида халқлар ва давлатлар ўртасида дўстлик ва қардошлик муносабатлари гуллаб-яшнаган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган минтақа сифатида муносиб ўрин эгаллашига аминдирлар.

Қозоғистон Республикаси Президенти	Қирғизистон Республикаси Президенти	Тожикистон Республикаси Президенти	Ўзбекистон Республикаси Президенти
Н. НАЗАРБОЕВ	А. АКАЕВ	И. РАҲМОНОВ	И. КАРИМОВ

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Озарбойжон Адлия вазирлиги мамлакатнинг ҳозирги раҳбариятига мухолифатда турган ўнлаб сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини тўхтатишни мўлжалламоқда. Вазирликнинг ўтган пайшанба куни тарқатган баёнотига кўра ушбу мухолифатдаги партиялар давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса-да, мамлакатда фаолият кўрсатишмоқда. Ҳужжатда айтилишича, бу партияларнинг фаолияти «ноқонуний ва йўл қўйиб бўлмайдиган» ҳаракатдир.

***

БМТ назоратчилари гуруҳи кеча Ироқдаги «Президент объектларини» текширишга киришди. Дипломатлар ва махсус комиссия экспертлари БМТ Бош котибининг қуролсизланиш бўйича ўринбосари Жаянта Дҳанапал раҳбарлигида Бағдоднинг ғарбий қисмидаги Радванийя саройини кўздан кечира бошлашди. Умуман Ироқда бундай объектлар сони саккизта. Улар жанубдаги Басра портидан тортиб шимолдаги Мосул шаҳригача барча ерларда жойлашган. Бундай объектларни кўздан кечириш 5 апрель куни ниҳоясига етказилиши кўзда тутилган.

***

АҚШ Президенти Билл Клинтон уч кунлик ташриф билан Жанубий Африка Республикасига келди. Бу ерда унинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Клинтон Жанубий Африка Республикаси раҳбари Нельсон Манделанинг расмий қароргоҳида қабул қилинди.

ХДП хабари

ФАХРИЙЛАР ЭЪТИБОРИДА

26 март куни Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси бошқаруви аппарати ходимлари бошланғич партия ташкилотининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари мазкур партия ташкилотининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши XVIII пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама этдилар. Сўзга чиққан — Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда, хусусан ёшларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ташаббускорлик руҳида, ахлоқ-одобли этиб тарбиялашда, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган фахрийларимизнинг ҳиссасини ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Мажлис муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Ходиса

СУВ БАЛОСИДАН АСРА...

19 март. Эрталаб Нурота тоғларининг виқорли чўққиларини қалин қора булут қоплади. Тушдан кейин эса тоғ дараларида чақмоқ чақнаб, момоқалдироқ гумбирлаб гўё челаклаб жала ва ёмғир қуйди. Пайариқ тумани «Халқобод» ижара хўжалигига қарашли Довтепа мавзесидаги Гарашасойга қурилган кўприкни бир зумда сел олиб кетди. Хўжаликнинг 6 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Накурт қишлоғи бир муддат ташқи дунёдан узилиб қолди. Шу қишлоқлик йўлсоз Қамбар Эгамов кўприк бузилганлиги ҳақидаги огоҳлантирувчи йўл белгиларини тегишли жойларга қўйиб чиқди ва йўловчи кўп бўладиган ўнг қирғоқда навбатчилик қила бошлади.

Сойнинг икки қирғоғига у ёқдан бу ёққа ўтувчи йўловчилар, Накурт ва Гараша (Фориш тумани) қишлоқларида яшовчи кекса-ю ёшлар тўпланди. Кечқурун соат 18.00 ларда сой қирғоғига «УАЗ» машинасида Самарқанддан қайтаётиб Лапас Бурҳонов келиб қолди. Селга бироз қараб турди-да, одамларнинг «Ҳой-ҳой, тўхта, сел билан ўйнашма!», дейишларига қарамасдан, рулни ҳайқириб оқаётган сойга бурди. Унинг селдан ўтишига ёнида ўтирган қишлоқдоши Ҳусан Бўлтаков далда берган.

Ахир табиий офат билан ҳазиллашиб, ўйнашиб бўлмайди?.. Машина сой ўртасида саёзроқ жойда тўхтади. Лапас машинадан чиқиб, сувга кирмасдан машина паррагидаги тасмани ечиб олди ва рулга ўтириб, газни босди. «УАЗ» силкина-силкина қирғоққа яқинлашди. Қирғоқни сел ўйиб, ўпириб кетганди. Шу боис, машинанинг олдинги икки ғилдираги кўтарилиб қолди. Тез оқаётган сел орқа ғилдиракларига урилиб машинани ағдариб юборди. Кўз очиб юмгунча, киприк қоққунча юз берган фалокатдан ҳар иккала қирғоқдаги кишилар саросимага тушиб, эсанкираб қолишди.

Ота-бола Муродқосим ва Абдураззоқ Қулиевлар ўзларини қўлга олиб, қўрқмасдан сувга кирди. Машинани ушлади, лекин эшигини оча олишмади. Абдураззоқ одамлардан ўткир пичоқ олиб зумда тентни кесди. Машина ичидан Тотлибой Қаршибоев ва Эсонбек Хожибоқиевлар сув тўлқинидан отилиб чиқишди. Муродқосим ака уларнинг қирғоққа чиқишига кўмаклашди. Абдураззоқ машина ичига шўнғиб, Лапаснинг ўғли Толмасни олиб чиқди. Лекин эндигина ўн саккиз баҳорни қаршилаган норғул йигит, баҳор селидан фоний дунё билан хайрлашганди. Сел кўпайгандан кўпаяверди. Шу боис, Лапас билан Ҳусанни сел қаъридан, машина ичидан олиб чиқишнинг иложи бўлмади. Ҳатто, ота-болаларнинг ўзлари оқиб кетишига озгина қолганди.

Мудҳиш воқеа яхши кишиларнинг саъй-ҳаракати билан зудликда хўжалик раҳбарлари ва туман ҳокимлигига етказилди. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари оёққа турди. Қоронғи ва ёмғир ёғиб, совуқ бўлганлиги ҳамда етарли техника, тайёргарлик ишлари маромида бўлмаганлиги учун машинада вафот этган йигитларни сувдан олиб чиқишнинг иложи бўлмади.

Жума, 20 март. Соат 10 ларда икки йигит жасади ва пачақланиб кетган машина қум ва лой ичидан топиб олиб чиқилди.

Фалокат беш нафар йигитларнинг ўйламай қўйган қадами, сел билан «ҳазиллашгани» туфайли содир бўлди. 20-21 март кунлари Пайариқ тумани йўлқурилиш бошқармаси (бошлиғи А.Мамадалиев) йўлсозлари, кўприк қурувчиларининг икки кунлик тинимсиз меҳнатлари туфайли бузилган кўприк қайта тикланди, қўшимча қувурлар қўйилди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

ЎЗБЕКИСТОНГА АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИГА МОС ЖАҲОНШУМУЛ ДАРАЖАДАГИ ЭТНОМУЗЕЙ ЗАРУР

Мулоҳаза

Ўзбек этномузейига бўлган эҳтиёжни нафақат ватандошларимиз балки, хорижий сайёҳлар ҳам ҳис қилишмоқда. Бунга кўп бор амин бўлганмиз.

Дунё тажрибаси ва замонавий ютуқларга таянган этномузейлар, нафақат ўтмишнинг айрим унсурларини қотириб қўйилган экспономентлар мажмуаси бўлиб қолмасдан, балки у анъанавий халқ ҳаётини ҳар томонлама ва реал-ҳаққоний акс эттирадиган кичик жонли «этношаҳарча» сифатида намоён бўлмоқда. Дарвоқе, бу қийин, унга жуда катта маблағ керак, деган савол пайдо бўлиши табиийдир. Миллий бюджетнинг асосий қисми туризм ҳисобига тўлдирадиган мамлакатлар (масалан, Испания) бундай ишларга пул аяшмаган. «Этношаҳар» музейлари худди янги корхоналар каби бир неча йилда ўз харажатларини қоплаб, чет эл сайёҳлари ҳисобига давлатни бойитмоқда. Бу музейларни давлат, халққа улкан маънавий фойда келтириши ҳақида кўп тўхталишга ҳожат йўқ.

Миллий музейнинг шаклий кўриниши халқ меъморчилик ва боғдорчилик маданиятининг энг муҳим томонларини мужассамлаб, у очиқ ҳаводаги ўзига хос «боғ-шаҳар» усулида қурилиши, тахминан 1 квадрат километрдан ортиқ жойни эгаллаши мумкин.

Боғ-шаҳарнинг атрофи баланд ва ҳашаматли кўҳна қалъа деворлари билан ўралиб, девор устида «қўриқчилар», анъанавий уловлар юрадиган йўлакча ҳам бунёд этилиши лозим бўлади.

«Шаҳар бедарвоза бўлмайди», деганларидек, музейнинг тўрт томонида 4 дарвоза бўлади. Улар қадимий қалъа, Самарқанд, Бухоро, Хива каби йирик шаҳар дарвозаларининг энг гўзал томонларини ўзида мужассамлаштиради. Ёки улар эски Тошкент дарвозалари («Самарқанд дарвоза», «Бешёғоч дарвоза», «Кўкча дарвоза») ларининг тарихий-рамзий кўринишлари шаклида бунёд этилиб, шартли равишда «Шарқий Дарвоза», «Ғарбий Дарвоза», «Шимолий дарвоза», «Жанубий дарвоза» деб номланиши мумкин. Тарихий жараёнда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган барча иншоотлар: карвонсарой, бозор майдон, хиёбон, чорбоғ, масжит, мадраса, чойхона, новвойхона, ҳаммом, сайилгоҳ, томошахона кабилар «боғ-шаҳар» шаклидаги этномузейда ўзининг мантиқий ўрнини топмоғи лозим.

Маълумки, Марказий Осиёда сув хўжалиги (агротехника) кенг ривожланганлиги учун бу ерда ҳам яхши ҳосилдорликка эришилган ва бунинг натижасида тўқчилик ҳукм сурган. Шунинг учун «боғ-шаҳар»даги сув иншоотлари, яъни анҳор, ҳовуз, фаввора, чиғириқ, чархпалак, сардоба, қудуқ кабилар этномузейга тарихий мазмун ва кўрк бериб туради. Орол денгизи ва унга қуйилаётган Сирдарё ва Амударё рамзларини эслатувчи анҳорлар ҳам «боғ-шаҳар»да ўз ифодасини топиши мумкин.

Шунингдек, бу ерда азалий халқ достонларининг қаҳрамонлари Алпомиш, Ғўрўғли, Кунтуғмиш, Рустамжон, Авазхон, Ойбарчин, Ойпари, Ойгул билан Бахтиёр, Тоҳир ва Зуҳра, тарихий халқ қаҳрамонлари Тўмарис, Широқ, Зарина, Спитамен, Муқанна кабилар ҳайкаллари ҳам безаса арзийди.

Шарқона чорбоғ ва унинг ҳовузи атрофида халқимиз алломаларининг ҳайкал ва бюстлари тарихимизни «тилга киритиб» турса нур устига нур бўлар эди.

Ҳайкал мажмуалари ортида ўрта асрларга хос катта карвонсарой қурилиши мумкин. Қадимда карвонсарой сайёҳлар, йўловчилар қўнадиган жой бўлган. Улар илк бор маҳаллий аҳоли ҳаёти билан шу ерда танишишган. Шундан келиб чиқиб, мазкур карвонсаройнинг меҳмонхонаси, ўлка билан таништирувчи маърифатхонаси, кутубхонаси, турли дам олиш тадбирларини ўтказадиган заллари бўлади.

Маълумки, Марказий Осиёда одамлар 1 миллион йилдан буён яшаб келади. Шундай экан, Марказий Осиёда инсоният пайдо бўлишига оид «Ибтидо» номли павильон бунёд этилиши мақсадга мувофиқ. Бир неча юз минг йилликлар давомида энг қадимий аждодларимиз овчилик билан шуғулланган сабабли «Овчилик маданияти» номли павильон иккинчи қатордан ўрин олса бўларди. Чорвачилик ҳам Марказий Осиёликлар тарихи ўн минг йилликларни ўз ичига олганлиги учун 3-павильонни «Чорвачилик маданияти» деб номласа бўлади. Марказий Осиёда 4-5 минг йил олдин пайдо бўлган деҳқончилик аждодларимиз ҳаётига катта ўзгаришлар олиб келганини ҳисобга олиб 4-павильон «Зироатчилик маданияти»га бағишланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу тартибда 5-павильонни халқ меъморчилиги, 6-ни ўзбек тарихий либослари — кийиниш маданияти, 7-ни халқ пазандачилиги, миллий таомлари, 8-ни илму маърифат, халқ педагогикаси, 9-ни халқ ижоди, 10-ни халқ ўйинлари, 11-ни халқ табобати ва ҳоказога бағишласа бўлади. Бундай тартибда павильонларни жойлаштирилиши этномузейга ташриф буюрганлар онгида ўзбек халқи тарихи ва унинг ранг-баранг маданияти ҳақида мантиқий, тизимли ва яхлит тасаввур ҳосил қилишга яхши имконият яратади.

Музейнинг бир қисмида «Ҳунармандлар маҳалласи» жойлашган бўлиб, бу ерда заргарлар, кулоллар, косиблар, наққошлар, тўқувчилар, ёғочсозлар, ўймакорлар анъанавий ўзига хос либосларда устахоналар очиб, ўз ҳунарларини намойиш қилиб, керак бўлса ўз ижод намуналарини сотишади.

Этношаҳарнинг шимолий қисмида (тарихий хиёбонга параллел) Ўзбекистоннинг турли ҳудуд маданияти хусусиятларини ўзида акс эттирадиган «Ҳудудий хиёбон» бўй чўзади.

Ўзбек халқ маданияти шу қадар бой ва ранг-барангки, уларнинг барчасини дунёдаги энг йирик музейга ҳам жойлаштириб бўлмайди. Гап шундаки, умумий ўзбекона маданият бўлиши билан бир қаторда ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқларда ҳам диққатга сазовор ўзига хос маънавий анъаналар бор. Ўзбекистонда нафақат Қорақалпоқ, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Сурхон-Қашқадарё, Тошкент, Фарғона каби воҳаларга хос ҳудудий этник маданий хусусиятлар бор. Шу билан бир қаторда ҳар бир вилоят доирасида (масалан, Жиззах вилоятида Фориш, Зомин, Бахмал каби туманларда) маҳаллий хусусиятга эга бўлган шева, анъана ва халқ ижод намуналарини ҳам учратиш мумкин. Бироқ, республикамизда ҳозирги даврда 13 маъмурий территориал (ҳудудий) бўлинма бўлганлиги учун этномузейда ҳам 13 павильонга жой ажратиб, уларни Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 вилоят ихтиёрига топшириш лозим. Улар ҳудудлардаги энг қадимий ва энг бой маданият анъаналарини мужассамлаштириб, ўз вилоятига хос анъанавий уйлар қуришади ва жиҳозлашади.

Этномузейнинг «ҳудудий хиёбонида» юртимизда қадимдан яшаб келаётган этнослар (масалан, тожик, қозоқ, қирғиз, уйғур, туркман, эроний, яҳудий каби)ларнинг ҳам анъанавий маданиятини тарғиб қилувчи масканлар ҳам ўзининг муносиб ўрнини топмоғи лозим.

Карвонсарой ва касбкор монументи олдидаги катта майдон Сайилгоҳ вазифасини ҳам ўтайди. «Наврўз», «Меҳржон», «Қовун сайили», «Ҳосил байрами» каби халқ байрамларини ҳам шу ерда ўтказишни режалаштирса бўлади. Очиқ майдон —Сайилгоҳ шундай бўлмоғи керакки, у керакли вақтда кўргазма, томоша, мусобақа ўтказадиган жойга ҳам айлантирилиши мумкин бўлсин. Майдон атрофида табиат билан уйғунлашган трибуна (ёки «йиғма минбар») ўрнатилса яхши бўларди.

Халқ байрамлари уюштириладиган кунларда (худди илгаригидек) барча майдон ва хиёбонлар сайилгоҳга айланиб кетади.

«Этношаҳарда» бош майдондан ташқари кичик ихчам томошагоҳ ва ўйингоҳ ҳам бунёд этилади (Улар ҳам тарихдагидек бозор атрофида жойлашиши мумкин). Томошагоҳда халқ ижодини тарғиб қиладиган томошалар уюштирилиб турилади.

Ўйингоҳ ҳам этномузейнинг таркибий қисмига айланмоғи лозим. Чунки, халқ маданиятининг энг қадимий шаклларидан бири бўлган ўйин орқали одамлар ҳордиқ чиқаришган, ақлий, руҳий ва жисмоний чиниқишган, саломатлигини мустаҳкамлашган. Қадимий ўйинлар («Подачи», «Қирқ тош», «Ҳакка» кабилар)да иштирок этган сайёҳлар, ўзбек ўйинлари билан танишиб, хотирасида сақлаб, вақти келганда бу меросни ўз юртида тарғиб қилиб юради. Ўйингоҳ мезбонлари дорбозлар ҳам бўлиши мумкин. Улар ўйингоҳда мунтазам ўйин-томошалар уюштириб туришади.

Шарқни бозорсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу жойда асрлар мобайнида буюк бозор маданияти вужудга келган. Шунинг учун этномузейда албатта қадимий «Шарқ бозори» бўлиши мақсадга мувофиқ фикрдир, фақат бу бозорнинг ҳозирги замонавийларидан фарқи шундаки, унда фақат тарихий-анъанавий (қўлбола) моллар сотилади. Савдо дўконлари ва сотувчилар ўрта асрларга хос қиёфаларда бўлишади.

Этномузей ҳақида яна кўп фикрлар баён қилишимиз, ҳатто, уни схема-харитасини эътиборингизга ҳавола қилишимиз мумкин. Тўғри, бизнинг яхши ният қилиб айтилган фикрларимиз ўзгартиришлар, тўлдиришлар билан бойитилар.

Усмон ҚОРАБОЕВ,
фалсафа фанлари доктори, маданияттшунос.
Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди, элшунос (этнограф)

Менда **таклиф** *бор*

ХАТО НУҚСОНГА ЕТАКЛАЙДИ

Гарчи ҳали лотин алифбосига ўтмаган бўлсак-да, бошланғич синф ўқувчилари янги ҳарфлар билан савод чиқармоқдалар. Қолаверса, келажагимиз шу ёзув билан эканлиги аниқ бўлгандан кейин ҳаммамиз ҳам уни ўзлаштиришимиз, янги алифбога ўтиладиган кунга тайёр бўлишимиз лозим. Шу маънода мактабларда, кўчаларда янги алифбода ёзилган шиорлар, номлар кўпаяётгани маъқул. Ҳар ҳолда, кўзимиз сингишиб бораверади-да. Аммо, мени бошқа бир нарса қийнаб келмоқда. Чаласаводларча ёзилган жой номларию шиорлар ёшларимизни чалғитиб, катталарни бепарволик касалига дучор қилаётир. Бу жиддий нуқсоннинг телевидение кўрсатувларида ҳам намоён бўлаётгани эса янаям кўпроқ хавотирга солади кишини. Нима учун ўз келажагимизга шунчалик совуққонлик билан қараймиз, ахир.

Яқинда пойтахтга бориб бир дардимга яна ўн дард қўшилди. Ҳар қадамда хато ёзилган сўзлар. «DORIXONA»лар пештоқида тўғри ёзилганини деярли учратмадим. Нуқул «DORIHONA» шаклида ёзилган.

Азиз юртдошлар, бу хатолар эртага жиддий нуқсонни етаклаб келишини унутмайлик. Менинг таклифим шуки, жойлардаги, туманлардаги маънавият ва маърифат марказлари бу ишни ўз зиммаларига олса, ҳукуматимиз ҳам қонуний йўл билан уларга кўчадаги ёзувларни назорат қилиш ҳуқуқини берса жуда савобли иш бўларди. Ҳатто бу талабга бўйсунмаганларга маълум миқдорда жарима ҳам белгиланса, дейман. Моддий эҳтиёжни маънавий эҳтиёждан устун қўйганларнинг кўзи шунда сал очилармиди.

Нордавлат БУХОРОВ,
Деҳқонобод туманидаги А.Қодирий номли мактаб ўқитувчиси

Хатлар, **хатлар,** *хатлар*

ЎЙИНГОҲГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

Юртимизда спортни ривожлантириш учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо, Қашқадарёдаги Таллимаржон шаҳрида бу борада бош қотириш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Шаҳардаги марказий спорт ўйингоҳи қаровсиз ҳолга тушиб қолган.

Ўйингоҳда «Алпомиш» спорт клуби ҳамда туман II- спорт мактаби спортчиларининг жойлашганига қарамасдан уларга ғамхўрлик кўрсатилмаяпти.

Кураш зали таъмирталаб, зарур анжомлар ўз умрини ўтаган, хонага ёғин-сочинли кунларда чакка ўтиб туради.

Ўйингоҳда спортчилар учун ювиниш хонаси мавжуд, лекин у аллақачон яроқсиз аҳволга келиб қолган. Икки йилдирки, чўмилиш ҳавзаси фаолияти ҳам тўхтатилган. У ерда тўпланиб қолган чиқинди сувларнинг касаллик тарқатмаслигига ким кафолат беради? Ўйингоҳда на иссиқ, на совуқ сувнинг келмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?

Футбол майдони ҳақида гапирилганда юрагинг хира тортади. Майдонга қачонлардир чим ётқизилган, аммо у ерда ҳамиша молларнинг ўтлаб юрганини кўрасиз.

Ҳуқуқшунос Собир Раҳматовнинг айтишига қараганда, ўйингоҳ маъмуриятига бир неча бор ҳайфсан эълон қилинган. Бироқ, ҳалигача танқиддан тўғри хулоса чиқарилмаяпти. Агар шу масала юзасидан спортчилар билан гаплашсангиз, улар оҳидан «дуд» чиқади.

Ахир, шаҳар ҳокимлиги қаёққа қараяпти? Спортни ривожлантириш тўғрисидаги ҳукумат қарорларига эътибор шуми?

Шерхон ҚОРАЕВ,
ТошДУ талабаси

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЎРТАДА САРСОНМАН»

Тошкент шаҳар суди «Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 30 январь кунги сонида чоп этилган «Ўртада сарсонман» мақоласи бўйича қуйидагиларни маълум қилади.

Манзура Алижонова 1989 йилда Рихсивой Алижонов билан қонуний никоҳда бўлишиб, Шайхонтоҳур туман судининг 1997 йил 17 февраль кунги ҳал қилувчи қарорига кўра, улар ўртасидаги никоҳ бекор қилинган.

Томонлар ўртасида уй-жой тўғрисида низо чиқиб, даъвогар Алижонова Манзура судга уни боласи билан уйга киритиб қўйишни сўраб мурожаат қилган ва Шайхонтоҳур туман судининг 1996 йил 1 август кунги ҳал қилув қарорига кўра у боласи билан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Боғ кўча 13-уйнинг 28-хонадонига киритилган ва қарор ижро этилган. Юқорида қайд этилган суднинг ҳар икки ҳал қилув қарори ҳам бекор қилинмаган.

Манзура Алижонова низоли уйга киритиб қўйилганидан кейин у ерда собиқ турмуш ўртоғи билан бирга яшашнинг имкони йўқлигини кўрсатиб, Боғ кўча 13- уйнинг 28- хонадонини қайнонаси Алижонова М.га хусусий мулк сифатида тегишли бўлган Ибн Сино мавзесидаги 17-уй, 127-хонадонига мажбуран алмаштиришни сўраб, судга мурожаат қилган.

Шайхонтоҳур туман судининг 1997 йил 17 февраль кунги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган. Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1997 йил 18 март кунги ажримига асосан туман судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш қайтадан кўриш учун шу суднинг бошқа ҳайъатига юборилган. Чунки, суд томонидан қарор чиқаришда иш ҳолатларига тўғри баҳо берилмаган. Жумладан, уй-жойни мажбуран алмаштириш масаласини ҳал этишда иккинчи тараф, яъни Ибн Сино мавзеси 17-уй, 127-хонадон эгасининг розилиги олинмаган. Бундан ташқари, суд Алижонова М. томонидан даъво аризасида кўрсатилган бошқа вариантлар бўйича уй эгаларини сўроқ қилмаган.

Фуқаролик ишини қайта кўришда Шайхонтоҳур суди судлов ҳайъати ажримида кўрсатилган камчиликларни бартараф қилмаганлиги учун туман судининг мазкур фуқаролик иши бўйича 1997 йил 14 августда чиқарган ҳал қилув қарори Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1997 йил 23 сентябрь кунги ажримига биноан бекор қилиниб, ишни мазмунан ҳал қилиш учун шу суднинг бошқа ҳайъатига юборилган.

Туман судъяларининг ўз ишларига нисбатан масъулиятсизликлари туфайли мазкур фуқаролик ишини ҳал қилишда сансоларлик келиб чиққан.

Ҳозирда ушбу фуқаролик иши мазмунан кўриб чиқилган бўлиб, Шайхонтоҳур туман судининг 1998 йил 18 февраль кунги ҳал қилув қарорига кўра Манзура Алижоноваларнинг даъвоси қаноатлантирилган.

Суд қарорига кўра, Боғ кўча, 13 -уйнинг 28-хонадони Ибн Сино мавзеси-2, 17-уйнинг 127-хонадонига алмаштирилган ва Алижонова Манзура Ибн Сино мавзесидаги уйга, унинг қайнонаси Муҳаррам Алижонова Боғ кўча мавзесидаги уйга кўчирилганлар.

Суднинг мазкур ҳал қилув қарори устидан шикоят қилинмаган ва у қонуний кучга кирган.

Б. М. ТОЖОНОВ,
Тошкент шаҳар судининг раиси

«ҚИШДА ҚОР КУРАСАНГ, ЁЗДА ДОН ЙИҒАСАН»

дейди Бўка туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги раҳбари Сайфиддин САЙДУЛЛАЕВ

Тепаликларни эгаллаб ётган қорларнинг ҳали- бери эригиси йўқ. Шамол ҳов тоғ этакларидаги ё мана бу тепаликдаги қор исини димоққа уради. Дарахтлар танасига сув югуриб қолган, кўклам нафасини сезгандай тебраниб қўяди. Бундай пайтларда кенг далаларга чиқиб, тўйиб-тўйиб нафас олгинг келади. Баҳорнинг соғинчи бизни далаларга етаклайди. Ҳали ердан қор кўтарилиб улгурмаган бўлсада, деҳқон қимирлаб қолган...

Бўка туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги ерларини раис Сайфиддин Сайдуллаев билан айланиб юргандим.

— Қорнинг кўп ёққани яхшику-я, аммо буғдойнинг тез ривожланишига таъсир қилмасмикан? — сўрайман раисдан.

— Қорнинг ёққани яхши, — дейди раис, —кузги ҳосилнинг чўғи ҳам мана шунда. Айтишадику, қишда қор курасанг, ёзда дон йиғасан, деб.

Тепаликда уч одам кўринди. Улар қазилган ариқ бўйлаб кетишарди. Қор кўтарилган ерларда буғдойлар бўй чўзиб қолган. Деҳқон бекорчиликни ёқтирмайди. Ким ариқ тозалаган, ҳас-ҳашакларни йиққан, ким суғориш режаларини ўйлаган. Хуллас, ҳамма бирор юмуш билан банд.

— Оилавий пудратчиларимиз. Кўриниб турган тепалик шу уч йигитники, — дейди раис.

— Ўтган йилги даромадлар ҳам дуруст бўлгандир?

Раис истамайгина бош иргади-ю, лекин «ҳа» демади. Сабаби...

Сайфиддин ака ўтган йилнинг ноябрида «Туркистон» жамоа хўжалигига бошқарув раиси этиб сайланган экан. Шу чоққача хўжаликнинг аҳволи мақтагулик бўлмаган. Тумандаги қолоқ хўжаликлар қаторида бўлган. Раиснинг ўзи қўлимга қоғоз тутқазди: ўтган йилги маҳсулот етиштириш бўйича натижалар. Агар 3-4 соҳани ҳисобга олмасак режалар бажарилмаган ҳисоб. Мана кўринг. Хўжаликда ўтган йили 580 гектар ерга буғдой экилиб 2146 тонна ўрнига 1488,6 тонна (69 фоиз) ҳосил етиштирилган. 110 гектар шолидан режадаги 330 тонна ўрнига 249,6 тонна (75 фоиз), 900 гектар пахтадан 2093 ўрнига 1247,7 тонна (59 фоиз) хирмон кўтарилган. Режаси юз бўлмаган бошқа маҳсулотлар рўйхатини ҳам келтириш мумкин.

Нега бир вақтлар донгдор бўлган бу хўжаликда бундай аҳвол юз берди?

Хўжалик туманнинг энг чекка ҳудудларида жойлашган эмасми, кўп масалалар мана шу ҳудудий жойлашишга келиб тақалади. Эрта баҳорда бу ерларда сув танқислиги бошланади. Қишлоқма-қишлоқ ўтиб келгунча, сув камайиб қолади. Шунинг оқибатида баъзи экинлар вақтида суғорилмай қолган. Ернинг 40 фоизи шўрлаб кетган. Энг асосийси меҳнатни ташкиллаштириш ўлдаж-ўлда бўлган. Одамларнинг манфаатдорлигини сўрамай қўяверинг. Биргина иш ҳақининг ўзидан хўжалик беш миллион сўм қарздор. Қолаверса, юз берган табиий офат туфайли кўпгина экинларни қайта экишга тўғри келган. Экин қайта экилгач, ундан яхши ҳосил олишга кафолат йўқ. Лекин ҳозирда хўжаликда амалга оширилаётган ишларни бу далиллар билан солиштириб бўлмайди. Хўжалик туман ҳокимлиги йиғилишида ерни шудгорлаш ва баҳорги экинларга тайёрлаш бўйича энг илғорлардан бири деб топилди. Ўтган йилнинг кузидаёқ ерлар (жами 1575 гектар) тўлиқ ҳайдаб бўлинган. Шўр ерларда зарур техникалар ишлаяпти. Энг асосийси механизаторми, деҳқонми ўз меҳнатидан манфаат кўряпти. Хўжалик раҳбарияти шартнома асосида буғдой, ун ва ёғ келтириб ишчиларга тарқатяпти. Меҳнатни ташкил қилишда ҳам ибратли ишга қўл урилди. Мавжуд 25 ширкат 13 тага бирлаштирилди. Ерлар оилавий пудратчиларга бўлиб берилди. Оилавий пудрат жамоа хўжалиги бошқаруви билан ҳар бир оила бошлиғи ўртасида тузилган шартномага асосланади. Унда қандай маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг сифати, нархи ва олинадиган даромадлар кўрсатилган. Бу ёғи деҳқоннинг ўзига ҳавола, меҳнат қилса, манфаат топади.

Ишни бундай ташкил қилиш, албатта раҳбарга яхши экан. Ҳар куни дала айланиб юргандан кўра хонада ўтириб, хўжаликнинг бошқа юмушлари билан банд бўлгани яхши-да. Лекин Сайфиддин ака бундай қилмайди. «Иш бундоғ экан, дала айланиб нима қиласиз?» деб сўрасам раис шундай дейди:

— Икки-уч йил олдин хўжаликда қандайдир қурилиш бошланган экан. Сабабини билмадиму, бу қурилиш кўп ўтмай тўхтаб қолган. Иш бошлаганимдан бери хўжаликда спорт майдончаси қуриш хаёлида юрардим. Ўйлаб кўрсам қурилмай қолган бинонинг материалларидан яхшигина спорт майдончаси қурса бўлар экан. Кейин хўжаликнинг у ер бу еридан ҳам анча материаллар топдик. Қурилишни шу заҳоти бошлаб юбордим. Наврўз байрамини шу майдонда ўтказдик.

Шундан хулоса қилдимки, раис бекорга дала айланмас экан. Бирор янгилик яратиш илинжи бор экан унда. Қабулхонасида «мен оилавий пудратчи бўламан» деб ариза кўтариб турганлар кўпчилик. Ҳаётдан янги бир маъно топгандай, бирор янгилик кашф этгандай бу одамлар. Сайфиддин акани тилга олганда «янги раис» деган иборани қўшиб ишлатишади. Раҳбар одамларнинг ишончини қозонибдими, бу унинг ютуги.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ – ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ

Мамлакатимизда шу йилнинг 1 мартидан 31 мартигача ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги, деб эълон қилинган эди. «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасида ҳам бу борада бир талай ижобий ишлар амалга оширилган. Автокорхона ва трамвай-троллейбус деполарида ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигига бағишланган йиғилишлар ўтказилди. Шу кунга қадар автокорхона мутахассислари, шаҳар ва туман Давлат автомобиль назорати бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда кўплаб рейдлар ташкил этилди.

Айниқса, пойтахтимиздаги 2519-автожамланма корхонаси ва 2-троллейбус депоси жамоаси бундай тадбирни ўтказишга намунали қатнашмоқда. Автокорхоналар директорлари ва мутахассисларидан Мухтор Отабоев, Мухторжон Расулов, Бахтиёр Юсупжонов, Ҳикматжон Юсупов, Мухторжон Асқаровлар мактаб, маҳалла ва жамоат жойларида ҳам турли суҳбатлар олиб боришмоқда.

СУРАТЛАРДА: ҳаракат хавфсизлиги ойлигидан лавҳалар.

Равиль МАХМУТОВ олган суратлар

Спорт

БИР ЙЎЛА САККИЗ УЧРАШУВ

Бугун олий лига жамоалари ўртасида бир йўла саккиз учрашув бўлиб ўтади. Учинчи турда «Бухоро» -- «Нефтчи», «Суғдиёна» —«Трактор», «Зарафшон» — «Навбаҳор», «Хоразм» — «Насаф» жамоаларининг ўзаро учрашувлари қизиқарли бўлиши кутилмоқда. Шунингдек, «Косонсой» —«Пахтакор», «Металлург» — МҲСК, «Сурхон» — «Дўстлик», «Темирйўлчи» —«Андижон» жамоалари ҳам майдонга тушадилар.

Жамоалар мавқеи

	Ю	Д	М	Т	О
Нефтчи	2	0	0	5-0	6
Навбаҳор	2	0	0	4-0	6
Трактор	2	0	0	3-1	6
Насаф	1	1	0	2-0	4
Зарафшон	1	1	0	2-0	4
Дўстлик	1	1	0	1-0	4
Пахтакор	1	0	1	4-3	3
Андижон	1	0	1	2-1	3
Бухоро	1	0	1	1-2	3
Суғдиёна	1	0	1	1-2	3
Хоразм	0	1	1	0-1	1
МҲСК	0	1	1	0-1	1
Косонсой	0	1	1	1-4	1
Темирйўлчи	0	0	2	2-5	0
Металлург	0	0	2	0-3	0
Сурхон	0	0	2	1-5	0

ҚИЗИЛМОЗОР ПОЙГАСИ

Жарқўрғонлик меҳнат қаҳрамони Норали Боймуродов хотирасига бағишланган мотопойга мухлисларда қизиқиш уйғотди. Пойгада Туркманистон ва Россиядан келган спортчилар ҳам қатнашди. Пойга асосан дашт сўқмоқлари бўйлаб давом этди. Жамоа ҳисобида мезбонларнинг «Металлург» пойгачилари ғалаба қозонишди. Шахсий ҳисобда тошкентлик Е.Сазанов, А.Карев, А.Кондрашов, навоийлик Е.Задиев, зарафшонлик А.Суров, деновлик М.Омонов билан Ш.Эргашевлар маҳорат кўрсатишди.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

КУЗАТУВЧИНИ КУЗАТГАН ЎҒРИ

Урганч шоҳбекати тармоқ ички ишлар бўлимига ёзма ариза билан мурожаат қилган малласоч йигит 57- сонли «Волгоград-Урганч» йўналиши билан қатнайдиган йўловчи поездининг 1-вагон кузатувчиси эканлигини айтиб, ўз хонасидан сумкаси, кийим-кечаклари ҳамда 1,5 минг сўм пулини ўмариб кетишганини маълум қилади.

Ички ишлар ходимлари томонидан зудлик билан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида Урганч шаҳрининг 3-кичик туманида яшовчи Фарҳод исмли йигит қўлга тушди. У вагон кузатувчисининг ташқарига чиқишини кутиб туриб, шундай вазиятдан «унумли» фойдаланганлигини ашёвий далиллар исботлади.

ТУЯНИ ШАМОЛ УЧИРСА...

Ёмоннинг қилиғи ортиқ

Гоҳида айрим устаси фаранг кишилар ҳақида «Эй, бу бало, туяни ютиб думини кўрсатмайдиганлар хилидан», деган гапларни эшитиб қоламиз.

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор бекатида юк қабул қилувчи ва топширувчи бўлиб ишлайдиган когонлик Д.К. ҳам ўз айбини ёпиш учун иккита вагонни яширишга уриниб кўрди. Афсус, туя бошқаю вагон бошқа экан.

Гапнинг лўндароғи, ушбу шахс устида юк бўлган иккита вагоннинг Бухоро-Қоровулбозор йўналиши бўйича вақтида жўнамасдан туриб қолишига сабабчи бўлди. Яъни, ўз мансабини суиистеъмол қилиб уларни яширди.

Хўш, яширса нима қилибди, дейсизми? Ҳамма бало Д.К.нинг ҳам шундай ўйлаганида-да. Лекин, «туяни шамол учирса эчкини осмонда кўр» деганларидек, у ёққа вақтида етиб бормаган вагонлар қидирила бошлангач, катта гап чиқиб кетди. Чунки, бу юкларнинг ўз вақтида етиб бормаслиги у ёқда турсин, икки вагоннинг тўхтаб қолишининг ўзи давлат учун 291292 сўм зарарга тушаркан. Шу боис, ички ишлар ходимлари боёқишга битта саволни қайта-қайта такрорлаяптилар: «Давлатга салкам 300 минг сўмлик зарар келтиришга сизни нима мажбур қилди?»

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
Темир йўл транспорти ички ишлар бошқармаси катта инспектори, милиция катта лейтенанти

ЗОМИН ҚЎРИҚХОНАСИ.

ТИРИК ТОШЛАР ТИЛСИМИ

Туркия табиатини мамлакат тарихий ёдгорликлари-ю, замонавий маданий архитектурасидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Буларнинг бари жонли вужуддек бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Денгиз бўйлари ва тоғ этакларида хароба ҳолда ёки қисман сақланиб қолган тарихий обидалар қачонлардир бу ерлар юксак тараққиёт ватани бўлганидан дарак беради. Туркияда тарих тўлқинлари томири турли бўлган одамларни гўёки ягона хонадонга тўплади. Улар эса бир миллат бўлиб уюшиб, ўтмиш ва бугун, эски ва янгини синтезлаштиридилар.

Эрамизгача бўлган 2000 йиллардан эрамизнинг XV асрига қадар Туркия жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган бўлса, кейинги асрларда бу ўлка энг илғор замонавий Ғарб тараққиёти даражасига интилмоқда. Туркия тарихини яхши ўзлаштирмай туриб, унинг бугуни вазиятини шарҳлаш мумкин эмас. Осори атиқалар бой тарихдан шаҳодат берар экан, минг йиллик ўтмиш ғузалликлари оламига кириб борасиз.

1950 йиллардан Туркия замонавийлашиш даврига кирди. Бу даврда асосан шоссе йўллар қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Анқарадаги Анатолия маданияти музейида эрамизгача бўлган 7000 йиллардаги ўтроқ ҳаёт манзаралари билан танишган киши диққатини музейга тўташ бинолар қурилишининг ўхшашлиги ўзига жалб этади. Бу ерда анъанавий қурилиш режаси ва техникаси шу кунларгача амалиётда қўлланилар экан, ўз оригинал сифатларини йўқотган эмас. Анатолияда уйлар ҳозир ҳам қадимги даврлар режасида қурилади. Бу ер кишиларида ишга яроқли нарсаларни ўзгартиришга на ҳожат, деган қараш мавжуд. Барча эҳтиёжларга кўра, сиз бораётган шу кўчадан бир замонларда Шарқдан Ғарбга отланган улкан ва кўп минг сонли ҳарбий қўшинлар, афсоналардагидек ғузал безатилган савдо карвонлари, муҳим хабарни тезроқ етказиш учун от солиб елган чопарлар, почта фойтунлари ўтиб-қайтган бўлиши мумкин. Манбаларга кўра, муқаддас билимларини тарғиб этиб юрган олимлар, ҳаттоки Апостол Павел шу кўчалардан ўтган экан. Эҳтимол, улар йўл ёқаларида қўноқ топиб, суфийлар билан ҳам узоқ-узоқ баҳс-мунозара қурган бўлишлари мумкин. Бу ерда тарихда римликлар томонидан шаҳарлик аҳолининг маиший турмушини яхшилаш учун ўтказилган улкан сув қувурларини, машҳур уста Мимор Синаннинг бугунги кунда ҳам фойдаланилаётган юзлаб тарихий кўприкларини, XI асрда — Салжуқийлар давлати давридан бошлаб ҳорғин саёҳатчиларнинг ишончли қароргоҳига айланган карвонсаройларни кўришингиз, ҳатто минг йиллик манзил-маъволарда бир дам нафас ростлаб, турли-туман мева шарбатларидан яна қувватга эришишингиз мумкин. Қадимги карвонсаройларнинг бутун мўъжизавий архитектураси билан беш юлдузли меҳмонхоналарга айлантирилганини кўриб, ҳайратингиз ошади.

Троя, Бергаме, Ефес, Дидим, Аспендос, Афродисия, Перге сингари Эллин даври тараққиётининг қўплаб муҳим археологик манзиллари бу диёрнинг шон-шуҳратини оширувчи энг катта ва қадимий бойликларидан биридир. Булар кўҳна тарихнинг энг дилбар шаҳарлари, башарият қачонлардир бошидан кечирган цивилизациянинг гултожи ҳисобланган. Бугунги кунда бу шаҳарларнинг қолдиқлари ҳам ўз салобати, улуғворлиги ва илоҳийнамо руҳи билан тили ва миллатидан қатъи назар бутун инсониятни ҳайратга солади. Ушбу тарихий-археологик ёдгорликларни кўриш учунгина бу диёрга дунёнинг етти иқлимидан саёҳатчилар оқиб келади. Айтишларича, Клеопатра сузган денгиз соҳиллари шу ерлар бўлган экан. Масалан, биз бўлган Аспендос, Перге ёки Ефесда бугун ҳам ҳаёт гўёки бошқа бир ўзанда, турмуш ташвишларига бедахл, ўзининг қадимий улуғвор ўзанидан оқади, назаримда. Бу ер чиндан ҳам биз китобларда ўқиган Эллин даврининг улкан амфитеатрига ўхшайди. Тоғ ҳам, денгиз ҳам, қуёш ҳам, ҳатто бозор ҳам шу ерда — бир ерда муҳайё.

Мамлакатлар ҳаёти

Саёҳатчиларнинг гапириб беришича, тоза ва тиниқ сувда чўмилаётиб кўзингизни очиб қарасангиз, чўкиб кетган шаҳарлар ёки уларнинг қолдиқларини кўришингиз мумкин экан. Буни денгиз тубидаги очиқ музей дейиш мумкин. Сув тагида қадимий маданият манзараларига ошно тутинасиз. Бу ерда ғузал афсоналар ва тарих ҳақиқатлари шунчалик уйғунлашиб кетганки, махсус тайёргарлиги бўлмаган киши учун қаерда афсона тугаб, қаерда тарих ҳақиқатлари бошланишини ажратиб олиш қийин.

Бу қадим диёрда мачит билан монастирни ёнма-ён кўриш ҳеч кимни ажаблантирмайди. Қабристонлар, муҳтабар шахслар, қаҳрамонлар, шоирлар, маданият намояндаларининг қабри маҳаллий аҳоли, хусусан кекса ёшдаги кишилар учун эъзозли ҳисобланади. Антик даврдан етиб келган деворлар, тошлар гўёки афсоналарга қўйилган ҳайкалларга ўхшайди. Тарихий аҳамиятга эга бўлган хароба ва вайроналарда болалар бемалол уйнаб ёки қўй боқиб юриши мумкин. Айтишларича, муқаддас саналган Кападокки ғорлари яқин-яқингача қишлоқ аҳолиси томонидан омбор ёки шаробхона сифатида фойдаланилган. Тарихий ёдгорликларни сақлаш борасида Туркияда ҳам муаммолар йўқ эмас. Саёҳатчилар учун чиқарилган китобчалардан шундай мазмундаги матнни ўқиб беришди: «Айрим мамлакатларда у қадар тарихий аҳамиятга молик бўлмаган ёдгорликлар ҳам шиша гумбазга ўраб қўйилади. Агар Туркияда шундай қилинадиган бўлса, бутун мамлакатни шиша гумбазга ўраб қўйишга тўғри келади». Чамаси, рамзий маънода билдирилган мазкур мулоҳазада муболаға у қадар кўп эмас.

Хароба, вайрона ҳолда етиб келган қадимий шаҳарларда кезар экансиз, бу улуғвор тарих бугун ҳам тириклигини, яшаётганини, замонавий шаҳар ва қишлоқларнинг бугунги ҳаётига уйғунлашиб, сингиб кетганини ҳис этасиз. Уларни чиройли тошлар ёки деворларнинг оддий уюми эмас, «борлиқнинг шакли» дея қабул қилар экансиз, яна минг йиллардан кейин биздан — бугунги инсонлардан келажак авлодга нима қолади, дунё қандай ўзгаради, деган савол хаёлингиздан ялт этиб ўтади.

Салим АШУРОВ



СУРИЯ — ҚАДИМИЙ ЎЛКА.

Францияннинг Ўзбекистондаги элчихонасида Наврўзга бағишланган баҳс-кеча бўлиб ўтди.

Француз тилини ўрганувчилар орасида ўтказилган баҳснинг илк босқичида турли вилоятларимиздаги ёшларнинг 10 нафари белгиланган 50 та саволга деярли тўлиқ жавоб топишган. Ғолиблар Францияда бўладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида меҳмон сифатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

БАҲСЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

Ўзаро беллашаётганларнинг ҳаммаси француз тилида жуда эркин сўзлашишлари билан йиғилганларни, айниқса, қўшимча саволлар бериб бораётган журналистлар ҳурматини қозонди.

Баҳсда Тошкент Давлат Жаҳон тиллари университетининг талабаси Раънохон Искандаровага омад кулиб боқди. Биринчиликни эгаллаган Раънохон Искандарова Францияннинг энг катта, нуфузли миллий байрами 14 июль — Озодлик куни шодиёналарида иштирок этиш учун таклифнома олди. Бу байрамда қатнашиш ҳатто ҳар бир француз учун ҳам катта шарафдир.

Иккинчи ва учинчи ўрин Тошкент Давлат Дипломатия университети студентлари Жавоҳир Нурматов ва Шаҳноза Ниёзохуноваларга насиб этди. Ғолиблар ва қатнашчиларга қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда Франция футболининг фахри Мишель Платининнинг шахсий табрик мактуби топширилди.

Саида ЙЎЛДОШЕВА

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 30

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Дилрабо тароналар».
8.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.20 Болалар учун. «Қўнғироқча».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.40 «Орзулар камалаги». Бадиий фильм.
11.50 Жаҳон спорти.
12.05 «Жараён».
12.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.50 — 14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Наврўз чечаклари».
18.25 «Олам ва одам».
18.45 «Энг муҳими».
19.05 Футбол майдонларида.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.45, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тадбиркорлик пиллапоялари».
21.20 «Очун».
21.50 «Ҳамроз билан». Юлдуз Усмонова.
22.25 «Мозийга қайтиб». «Мехробдан чаён» видеофильми ҳақида.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 24.00 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мультфилм.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «ТВ-2» шу ҳафтада.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Туризм ҳақида.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тарона».
21.15 «Бешинчи ўлчов».
21.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.20 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.35 «Даракчи» (рус тилида).
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 «Еш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.45 Жаҳон мумтоз мусиқа хазинасидан. С. Рахманинов. «Биринчи концерт». Республика конкурси соврндори Гулзамон Ғуломова ижро этади.
00.15 — 00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденнеси.
17.20 — 20.40
*
20.40 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида».
*
Россия давлат телевиденнеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Экранда сериал: «Жиноят изидан». 3-серия (Олмония).
23.05 — 23.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 22.10 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Бож хирож».
20.30 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон».
«Дидар».
21.10 «Ҳаёт карвони».
21.30 «Мусиқий танаффус».
21.35 «Умр баҳори».
21.50 «Намастэ».
22.15 «Спорт-тайм».
22.45 — 22.55 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 31

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қалбим наволари». Мусиқий дастур.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Олам ва одам».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Теран томирлар».
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Чодир хаёл». Телеспектакль премьераси.
11.40 «Рақс алифбоси».
12.05 «Баджаҳл Бамбр». Мультфильм.
12.15 «Қишлоқ эҳтёжи».
12.35—14.00 Кундузги сеанс. «Йўқолган хазина». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ов». Мультфильм.
18.30 «Умидим қолди».
19.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тилга эътибор».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Адолат мезони». 1-кўрсатув.
21.25 Бир жуфт қўшиқ.
21.35 «Акс-садо».
22.10 Санъат усталарининг концерти.
22.40 Анор. «Азизим». Видеофильм.
23.30 «Ахборот».
23.55 Янги мавсум арафасида. «Спортчилар базми».
00.35—00.40 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мультфилм.
18.35 «Еввойи ҳайвонот олами».
19.05 «Онагинам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 Шарқ эстрадаси.
21.20 Кундалик.
21.30 «Спорт қитъаси».
22.00 «Даракчи».
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 Кинонигоҳ. Антонио Бандерас «Шартаки» фильмида.
24.00—00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденнеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевиденнеси.
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Италияликларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
23.10 «Доира оҳангида». Фильм-концерт.
23.25—23.45 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 22.10 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парвоз».
20.30 Дилрабо тароналар.
20.45 «Автосалтанат».
20.55 «Аския». Телефильм.
21.40 «Дурдаршан».
22.15 «Яхши кайфият».
23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 2

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 —8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ватан, мадҳингни куйлайман». Мусиқий дастур.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Баҳор лавҳалари».
9.20 Болалар учун. «Меҳржон».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Спортчилар сулоласи».
11.15 «Шоирлар — болаларга».
11.40 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.05 Кундузги сеанс. «Сеҳрли тун». Бадиий фильм.
13.10—14.00 «Келин-куёв». Телешоу.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари» Тележурнал.
18.30 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Адолат мезони». 3-кўрсатув.
21.30 «Оталар чойхонаси».
22.25 «Битик».
22.50 «Бозор рақобати — сифат кафолати».
23.10 «Сеҳрли шўъла». Кинокўрсатув.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Дилнавоз садолар».
19.00 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сир».
20.15 «Одобнома».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутойиба».
21.20 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
21.40 «Даракчи».
21.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.00 Оилавий экран. «Мистер Питкиннинг касалхонадаги саргузаштлари». Кинокомедия (Англия).
23.30 «Тун».
24.00 — 00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденнеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Болаларга бахшида умр». Телекўрсатув.
*
Россия давлат телевиденнеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Жонни Мнемоник». Фантастик фильм (АҚШ).
23.05 — 23.25 «Ахборот»(рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.10 «7 дан 70 гача».
19.35 «Ҳамшаҳарлар».
19.55, 22.50 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.15 «Интерспорт».
21.35 «Минг бир маслаҳат».
21.50 «Италияда баҳор».
22.35 «02» тўлқинида.
22.55 «Киносалон».
00.25 — 00.35 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 3

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Қўшиқ санъати ва давр».
8.55 «Юзма-юз».
9.15 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Зийнат».
10.55 «Компьютер сабоқлари».
11.20 «Саргайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
11.45 «Ҳўжалик ва ҳуқуқ».
12.05 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
12.45 — 14.00 Кундузги сеанс. «Тўғри сузнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Сергайрат кампир». Мультфильм.
18.20 «Ғазалхон ёшлигим».
18.40 «Иш билганга — минг танга».
19.00 «Диёрим Ўзбекистон». Қодир Жўрақулов куйлайди.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дунё адабиёти».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Равзаи жаннат боғи». Мусиқий дастур.
22.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Бухоро» (Бухоро).
23.00 «Ахборот».
«Мунаввар дунё».
Маърифий дам олиш дастури:
23.25 «Азиз сиймолар».
23.45 Бадиий фильм.
01.15—01.20 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Болалар учун фильм. «Аралаш».
18.40 «XX асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тақдим».
20.10 «Акс».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тўйғуларим».
21.05 «Яхши дам олинг».
21.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
00.05 — 00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!.
III
17.10 Киноафиша.
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденнеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевиденнеси.
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Буч Кессиди ва Сандес Кид». Бадиий фильм.
23.05 — 23.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 21.40 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Уй остонадан бошланади».
20.25 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.45 «Наволарда аён этсам».
21.10 «Дурдаршан».
21.45 Кинематограф.
23.05 Араб эстрадаси.
23.35 — 23.45 «Мунаввар тонг истаб».

ШАНБА, 4

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шохрух» клуби.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
9.20 «Сени Ватан кутади».
9.40 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
*
10.00 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
10.40 «Шеър ва шуур».
10.50 Туркий қавмлар. Найман.
11.05 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
11.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шифобахш маскан». Премьера.
11.50 Эстрада тароналари.
12.20 Кундузги сеанс. «Имконият». Бадиий фильм.
13.35—14.05 «Маънавият». Публицистик кўрсатув.
***
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — Андижон (Андижон). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Мусаввир». Телефильм.
17.50 Мультолам.
18.10 Жаҳон спорти.
18.20 «Ҳайрат». Бадиий- публицистик кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Омонлик тилаймиз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
22.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас»
22.50 «Ахборот».
«Тунги ёғду»
дам олиш дастури.
23.15 «Мусиқий саёҳат».
23.35 «Жан Кристофф». Бадиий фильм. 7—8-сериялар.
01.05—01.10 Ватан тимсоллари.
II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Болалар учун фильм. «Аралаш».
9.25 Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль 1-қисм.
10.30 Бокс. Бокс. Бокс.
10.50 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
11.40 Болалар экрани. «Астерикс-2»
12.50 «Дойче Велле» тақдим этади...
13.10 «Жонни Квест саргузаштлари». Мультфильм.
13.30 «Нью-Йорк». Телесериал.
*
14.20 Кўрсатувлар дастури.
14.25 «Гиннес шоуси».
14.50 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.40 «Мутойиба».
16.00 «Спорт қитъаси».
16.30 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
16.50 «Ўғирланган». Телесериал.
17.40 «Қўлгига нима етсин».
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ў ким? Бу нима?».
18.30 «Сувости дунёсига саёҳат».
19.00 «Дилбарим».
19.15 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Ҳанда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Меҳри — дарё».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
22.50 «Даракчи».
23.00 «Спорт қитъаси».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ. Жеймс Вудс «Бестселлер» детективида.
01.10—01.15 Тунингиз хайрли бўлсин!.
III
17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.10 «Қирк. Қирк. Қирк».
*
Россия жамоат телевиденнеси.
17.40 — 22.45
* * *
22.45 Эълонлар.
22.50 «Уддабурон аёл». Бадиий фильм.
00.10 — 00.40 «Наврўз». Телефильм.
IV
10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Шанба эртаги».
11.35 «Ассалом, Франция!».
11.55 Кундузги сеанс.
13.25 — 13.55 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз»(«Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 21.05 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Хит-коллекция».
21.10 Киносалон.
22.40 «Спорт-марказ».
23.25—23.35 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 5

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Зиёрат».
11.10 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
12.00 «Ер тилсимини очиб».
12.30 Кундузги сеанс. «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.
14.00—14.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Сурхон» (Термиз).
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бегемот билан булған воқеа». Мультфильм.
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.00 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Якшанба оқшомида» дам олиш дастури.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 Телевизион миниатюралар театри.
Спорт дастури:
21.45 Спорт. Спорт. Спорт.
22.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. МҲСК — «Хоразм» (Урганч).
«Аср муъжизаси» кинодастури.
22.50 Кино янгиликлари.
23.05 Ўзбек киноси ижодкорлари.
23.25 «Маҳфий дипломатия». Бадиий фильм. 1-серия.
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.
II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ў ким? Бу нима?»
9.15 Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль. 2-қисм.
10.20 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
10.30 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
11.50 «Бизнес-академия».
12.05 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
12.55 Болалар экрани.
*
«Якшанбада яхши дам» дастури:
13.10 Кўрсатувлар дастури.
13.15 «Сиз ёқтирган қўшиқлар».
13.30 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.20 Жаҳон халқлари эстрадаси.
14.40 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.20 «Интер-футбол».
16.05 «Бари ҳазил».
16.30 Мультипанорама.
16.50 «Ўғирланган». Телесериал.
17.40 Келгуси ҳафтада.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.40 «Буш ўтирма».
19.00 «Турфа олам».
19.25, 19.55, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Нафосат».
20.10 «Жараён».
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Изҳор».
21.20 «Даракчи».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Миллионлар ўйнчи».
22.40 Тақвим. Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Якшанба кинозали. «Атиргуллар жанги».
00.40 — 00.45 Тунингиз ҳайрли бўлсин!
III
17.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевиденнеси.
17.25 — 23.45
*
23.45 Эълонлар.
23.50 — 00.15 «Панорама» (рус тилида).
IV
9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Якшанба эртаги».
11.35 Ўзбекистон янгиликлари»(инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
13.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.15 «Жонли сайёра».
14.35 Клип-антракт.
14.45 Кундузги сеанс.
16.30 Мультэкран.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультфомоша».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 «Бугунги кун мавзуси».
20.05 Клип-антракт.
20.15 «Хайрли оқшом».
20.45 «Иштирок этувчилар».
21.05 Жаҳон киноси янгиликлари.
21.35 «Мусиқий Олимп».
22.00 Киносалон.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Алмати вилоятида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев совғини учун мактаб ўқувчилари ўртасида Халқаро бокс мусобақаси бўлиб ўтмоқда. «Алфабанк» ташаббуси билан ўтказилаётган бу мусобақада мамлакат вилоятлари ҳамда қўшни Қирғизистондан ташриф буюрган 250 га яқин ёш спортчилар қатнашмоқда.

Мазкур мусобақа Мексикада бўладиган жаҳон болалар олимпиадаси арафасида ташкил этилган.

***

Тожикистон Республикаси Осиё Тараққиёт банкига аъзо бўлди. Эндиликда Тожикистон ҳам мазкур ташкилотдан молиявий ёрдам олиши мумкин.

Мазкур раҳбариятнинг апрель ойида Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтадиган йиғилишида бир неча масалалар қаторида Тожикистонга қарз бериш имкониятлари ҳам муҳокама қилинади. Шунингдек, яқин кунларда банк мутахассислари гуруҳи Тожикистон ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган макроиқтисодий лойиҳаларни ўрганиш учун Душанбега ташриф буюради.

ҲАЁТГА ТАШНАЛИК

(Очерк)

Жон — ширин, деймиз. Лекин унинг ширинлигини жонимизга озор етган пайтдагина сезамиз.

Ҳаёт — гўзал деймиз. Лекин умримизнинг энг гўзал онларини яшаб бўлганимиздан сўнггина ҳаётни қадрлаш кераклиги ёдимизга тушади. Унгача ҳуда-беҳуда ташвишлар изидан чопиб, ўзимизни ўтга, сувга уриб яшайверамиз.

«Жонини ҳеч койитгиси келмайди-да!» деб кимнидир айблаймиз. Аслида бугунги кунда ўз жонини асрай билмоқ ҳам олқишлашга арзирли фазилат бўлиб қолди, шекилли. Рост-да, соғлиғидан ҳеч бир шикоят қилмаган кишини учратганмисиз!..

Оналар фарзандини жонидан ортиқ кўради, дейишади. Бу — мутлоқ ҳақиқатдир. Агар бемор аёл фарзанд кўрса, у фавқулодда соғлом онага айланади. То гўдаги тилга кириб йўлга тушиб кетмагунча «қирқта» жонини қалқон қилиб, тунларни тонгларга улаб яшайверади. Аслида ҳам шундайми? Йўқ. Аёлнинг қаддини тик тутган, оёғини от, қўлини қамчи қилган нарса бошқа: фарзанди билан бирга туғилган оналик меҳри ва масъуллик туйғуларидир. Тўғри, болалар учун энг биринчи жавобгар шахс — она! Кўп ҳолларда улар фарзандларига бахт ва ёруғ истиқбол инъом этиш учун жонини гаровга қўядилар, саломатликларига беписанд қарайдилар. Ҳолбуки, оналар соғлиги бизнинг ўзимиздан ҳам фарзандларимизга заруррок эмасми!

Одамзотнинг табиати шунақа: саҳронинг ўртасига етганимиздан сўнггина, сувнинг суратига ҳам суқланиб қарайдиган бўлиб қоламиз.

Худо дардни суйган бандаларигагина беради, деймиз. Яратганга суюкли булиш — яхши. Лекин бу марҳаматнинг захматини чекиш осон эмаскан...

Мен бугун сизларни ўзим жуда яхши биладиган, айни пайтда ҳаётни ғоят севиб, умрини эъзозлаб яшаётган асакалик Адибахон ХУДОЙНАЗАРОВА билан таништирмоқчиман.

Биз у билан дўстмиз, салкам 25 йилдан буён. Илоё, ҳар кимга ҳам бизникидек беғараз ва давомли дўстлик насиб этсин! Минг шукрки, дўстларим кўп. Лекин АДИБА битта!..

Талабалик йилларимизда бизлар бир кун бўлса-да, бир-биримиздан айрилмаганмиз. Фикримиз бир жойдан чиқмай тортишган кезларимиз ҳам бўларди-ю, лекин бизнинг аразимиз дока рўмол қуришидан ҳам тезроқ унутиларди, назаримда. Тўрт қиз тўпланган даврада Адибанинг бўлиши шарт эди. Биз бу соҳибжамол дугонамизнинг қувноқ қўшиқлари, оромижон рақсларини шунчалар яхши кўрардикки, унга эргашиб ҳаммамиз куйлардик, ҳаммамиз ўйнардик. Танаффусларимиз ҳам Адибанинг шарофати билан шодон ўтардик. Раҳматли домламиз Аҳмаджон ака Жўрабоев «Бунақа кўп гапириб, кўп куладиган курс институтимиз тарихида бўлмаган ва бўлмаса ҳам керак. Сизларнинг ҳазилларингиздан домлаларга ҳам тинчлик йўқ-а» деб қўярди. Аммо бизлар қанча шўх, қанча ҳазилкаш бўлмайлик, аълочиларимиз ҳам шунча кўп эди. Адибамиз ҳам фақат «5» га ўқирди.

Адиба ўзи шеър ёзиб, ўзи куй басталайди. Ўзи ижро этади, бошқаларга ҳам ўргатади. Биз унинг санъат йўлидан кетиб, машҳур хонанда бўлиб танилишига эртага қуёшнинг чиқишига қандай ишонсак — шундай ишонардик...

Адибадаги истеъдод эл севган санъаткорларнинг ҳам назарига тушди, турли кўрик-танловларга таклиф этила бошлади.

Бироқ, Адиба ўз имкониятларини намойиш этишга негадир шошилмади. Институтни тамомлагач, бир йил ўтар-ўтмас турмушга чиқди. Уч қизнинг онаси бўлди. Минглаб ўғил-қизларнинг қалбига адабиётга, санъатга меҳр уруғларини сочди. 16 йил муаллималик қилди. Унинг дарслари шеърсиз, куйсиз, қўшиқсиз ўтмади. У Асака шаҳридаги 8-ўрта мактабда «Бобур болалари» деб номланган драма тўгараги ташкил этиб, ўнлаб спектакларни саҳналаштирди. Ўқувчиларнинг ишончига, муҳаббатига сазовор бўлди.

Лекин Адиба ҳозир мактабда эмас. Қўшиқ ҳам куйлаётгани йўқ. Бир ярим йилдирки, икки ҳафта фарзандлари бағрида бўлса, ойлаб Тошкентда — республика онкологик касалликлар шифохонасида даволанади. Шу вақт ичида беш марта оғир жарроҳлик операцияларини бошидан кечирди. Натижада у танглайидан, жаг суякларидан, тишларидан ва бир кўзидан маҳрум бўлди. Лекин унинг ёниб турган бир кўзи ҳам кўнглидаги бор ҳақиқатни сўзлаб беришга қодир. Очиғи, ҳозир дўстлари, ҳамкасблари, ҳатто Адиба опам деб сиғингувчи ўқувчилари ҳам ундан анча олислаб кетишган... Адибанинг бойлиги — оиласи, ота-онаси, ука-сингиллари ва бир-бирларидан чиройли уч қизидир.

Адиба бор нарсасини — истеъдодини, соғлигини, овозини, гўзаллигини оила учун фидо қилди ва бундан заррача бўлса-да афсусланаётгани йўқ.

Ҳаётнинг қалтис синовлари, мураккаб имтиҳонлари кўп экан. Дарвоқе, мен унутибман, Адибанинг яна бир ноёб мулки — жуда камдан кам кишиларгагина насиб этгувчи букилмас иродаси борки, у ҳар нафасда оғир хасталик устидан ғолиб келиб яшаётган ҳазрати Инсонни — фидойи ОНАни қўллашга қодирдир.

Яқинда Адиба 39 ёшга тўлди. Бу қутлуғ кунда биз унсиз (ёзма шаклда) гаплашдик. Бу самимий суҳбат кундалик дафтарим саҳифаларига муҳрланиб қолди:

— Адиба! Оила — нима? У сизга нималар берган?

— Оила жамиятдаги ҳеч қачон йўқолмайдиган издир, оила келажакнинг асоси. Мен оилам борлигидан, ёлғиз эмаслигимдан бахтлиман. Чунки ўзинг учун эмас, яқинларинг учун керак эканингни ҳис қилиб яшаш чинакам бахтдир.

— Қўшиқсиз яшашингизни ҳеч тасаввур қилолмасдим. Сиз бунга кўникдингиз. Қандай қилиб...

— Оллоҳ мени ўзим севган куйлаш бахтидан бенасиб қилди. Аммо энди мен унсиз куйлаяпман. Тингловчиларим йўқ, холос!

— Адиба! Сиз билан ёзма суҳбатлашаётганим имкониятсизликдан эмас, балки одам қоғозга қараганда — ёзаётганда жуда самимий ва ростгўй бўлиб қолади. Хусусан, мен ҳам. Сиз даҳшатли бир жарга тушиб чиқдингиз. Раҳмат — иродангизга. Сизни ўша жарга қулатган ва қутқариб қолган нарсалар нима?

— Дард ҳақиқатан тубсиз жарлик. Тушиб чиққан одамгина унинг даҳшатини тасаввур қила олади. Бу жарга мени биров ёки бирон нарса қулатди деб айтолмайман. Бу аччиқ қисматим учун айбдор қидирмайман. Аммо, мени қутқарган нарсалар бу меҳр ва парваришдир, меҳрибонларимнинг борлигига шукр қиламан. Уларга ҳеч бир дардни раво кўрмайман.

— Бизнинг жуда гўзал хотираларимиз бор. Улар сизга таскин берадими ёки қийнайди ҳамми?

— Ёдимда фақат бахтиёр онлар сақланади. Уларни эслаб чуқур хўрсинаман. Хатоларим ёдга тушса қийналаман. Ким хато қилмаган. Ҳаёт хатолардан холи бўлиб қолса, яшашнинг мазмуни бўлмасди. Мен ўтган бахтиёр дамларимизни жўда кўп эслайман. Сизларнинг баҳаво ҳовлиларингиз... Онангиз пиширган кўкчўвараларнинг таъми ҳали ҳануз оғзимдан кетмаган. Қисқаси биз яшаган ўша романтик олам қалбим сандиғининг энг ноёб гавҳарларидир.

— Йўл қўйган энг катта хатойингиз ва ҳаётдан топган энг улуғ мукофотингиз...

— Хатонинг энг каттаси ёки энг кичиги бўлмайди. Муҳими, уни такрорламасликда. Хато амалга ошади, хато рўй беради. Кейин уни тузатиш учун умрингиз камлик қилади. Эҳ, деб лабингизни тишлаганингизча пичоқ қинидан чиқиб кетган бўлади. Топган энг улуғ мукофотим дўстларим дийдори, фарзандларим камоли ва мени севадиган одамларнинг борлигидир.

— Агар сир бўлмаса, кейинги пайтда қанақа тушлар кўраяпсиз?

— Ҳамиша бахтли тушлар кўраман. Тушимда ё қушиқ айтаман, ё шеър ўқийман ёки учаман худди бошқа коинотда яшаётган одамдек.

— Адиба! Мен сизнинг зўр истеъдод эгаси эканингизга, ҳали кўп шеърлар, драмалар, достонлар ёзиб афсонавий Адиба бўлишингизга ишонаман. Ўзингиз-чи, ўзингиз ҳам ишонасизми?

— Бу истагингиз учун беҳад бахтиёрман. Жуда мукаммал бўлмаса-да, адабиётимизга бироз лаёқатим борлигидан ўзим ҳам қувонаман. Шеър умримнинг ажралмас бўлагидир. Ҳақиқий ижод меваларим бир кунмас бир кун етилишига ишонаман ўзим ҳам.

— Уч қизингизнинг ҳар бири ҳар хил бўлса керак. Уларга қандай таъриф берасиз?

— Қизларимнинг уччови — уч олам. Азиза 16 га кирди. Аммо ҳануз гўдакдай. Жуда масъум, жуда беозор. Худбинликдан йироқ, айёрликдан бегона. Ишонувчан. Мен унга жуда кераклигимни, жуда кўп қарздорлигимни инкор этмайман. Феруза — мустақил қиз. Ақлли, бардошли. Мен унинг иродасига ишонаман. Азизага нисбатан ундан кўнглим тотирмаяпти. Феруза бирор ишга берилиб кетса, жуда яхши қилади. Фақат унга вазифа бериш керак. Луиза эндигина 9 ёш бўлса-да, жуда ақлли ва оғир қиз. Доим мен билан бирга бўлишни истайди. Кейинги пайтда мени худди ёш болани эркалатгандай «Бунча ширин бўп кетдийиз?» деб овутадиган бўлиб қолган. Ундан ҳам кўнглим тўқ. Уччови ҳам яхши расм чизади. Феруза шеър ҳам ёзади. Аммо ҳеч қайсиси қўшиқ айтмайди. Дадаси улар билан кўп шуғулланади, расм чизишни, шахмат ўйнашни дадаларидан ўрганишган. Фақат энг асосий битта камчиликлари уччови ҳам телевизор «жинниси»....

— Адиба ўтган 20 йиллар давомида сиз мутлақо соғлом эдингиз. Мен сизнинг тумов бўлганингизни ҳам эсолмайман, Ҳаёт — гўзал, жон — ширин деган тушунчалар соғлом ва бемор одамнинг тасаввурида қандай кечади, сизнингча?

— Соғлом одам ҳаётнинг гўзаллигию, жон ширинлигини кўп-да эслайвермайди. Дард ва азоб инсоннинг ҳаётга муҳаббатини оширар экан. Дард чеккан пайтларимда бу азобларнинг тўхташини, қандай бўлмасин улардан халос бўлиш йўлларини ўйлардим. Лекин майли тезроқ ўла қолай, бу дунёнинг қийноқларидан қутулай деган ўйга бормадим. Демак, жон ширин экан. Руҳан соғлом одам ҳеч қачон ўлимни хоҳламаса керак. Дард шу даражага бориб етдики, ундан халос бўлиш учун мен бадбуруш бўлишга ҳам кўндим. Демак, ҳусн ҳам жондан ширин эмаскан.

Талабалик йилларимизда таътил пайтлари эшитиб юраман деб Адибанинг қўшиқларини магнитофонга ёзиб олардим. Ўтган йили ҳам шундай қилдик. У кейинги йилларда ёзган қўшиқларини мароқ билан куйлаб берди. Қизларим ўйнади. Мен эса сел бўлиб тингладим.

Топларни отдилар дунё бедодлари,
Оламни тутдилар қалбим фарёдлари.
Тилимдан тушмади севгининг отлари —
Бошимни олдилар ишқим жаллодлари.
Севги, паноҳингда асра мени.

Сендан ўзимни олиб қочолмайман,
Сенга дилимни ҳаргиз очолмайман.
Қучоқларингдан воз кечолмайман.

Сирли тугунсан—ҳеч ечолмайман —
Севги жаллодига бердинг мени.

Гул эди исмим гўрларга қўйдилар,
Қийнабон жисмимни пичоқсиз кўзимни сўйдилар.
Мен севмаган бандалар оҳ мени севдилар,
Пичоқсиз танамни қиймалаб сўйдилар
Севги оллоҳига бергил мени...

Адиба яна куйлайди:

Аста ушлаб қўлимдан,
Адаштириб йўлимдан.
Жой эгаллаб дилимдан
Кўнгилларингни чоғладинг.

Муҳаббат ҳар кун содирмас,
Севишга ҳар дил қодирмас,
Қўшиғим билан бир нафас —
Гуноҳларимни покладим.

Адибанинг овози, қўшиқлари туширилган кассеталар менинг энг ноёб мулкимдир.

Дард — меҳмон дейишади. Адиба бу меҳмонни қўлини кўксига қўйиб чидам ва бардош билан узоқ сийлади. Меҳмоннинг ташрифи қанча узоқ чўзилмасин, барибир меҳмон бир кунмас бир кун кетади. Муҳими, меҳрибонлардан меҳрибонроқ синглиси Нафисахон Адибага ҳамиша ҳамроҳ ва ҳамнафасдир. У опасини даволатиш илинжида Тошкентга бутунлай кўчиб келди. Кечаю, кундуз тиним билмай бунга эришмоқда ҳам. Илойим, оққўнгил сингилнинг эзгу-ниятлари ушалсин. Илойим, опаси билан бирга тақдир имтиҳонларини топшираётган Нафисанинг йўллари ҳамиша ойдин бўлсин.

Мен ушбу рисолани бундан 17 йил бурун соғинган пайтимда Адибага бағишлаб қоралаб қўйган сатрларим билан якунламоқчиман:

Сиз мен учун қўшиқсиз — қўшиқ.
Сизни ёниб куйламоқ керак.
Қўшиқ билан юрагим тўлиқ —
Уни ҳам жим тингламоқ керак.

Биласизми, дунёда ҳеч ким
Сизни менсдек куйлай олмайди.
Инсон ёрсиз яшаши мумкин —
Лек Қўшиқсиз яшай олмайди.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

Минг бир тақдир

ИЖРО – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

ТОШКЕНТ. Сирғали туманида ҳукумат фармон ва қарорлари ижросини ташкил қилишга бағишланган семинар ўтказилди. Йиғилишда саноат, қурилиш ва транспорт корхоналари раҳбарлари иштирок этишди. Ижро этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги маъруза билан чиққан назорат инспекцияси раҳбари, туман ҳокими ўринбосари Ш.Бобожоновнинг мулоҳазалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Шунингдек, «Махсусмебель» акциядорлик жамияти муҳандиси С. Боипназаров, «Файз» акциядорлик жамияти раиси ўринбосари А.Саранцевларнинг бу борадаги тажриба алмашишлари ҳам йиғилишга руҳ бағишлади. Семинарда Олий Мажлис депутати А.Қирғизбоев, туман ҳокими М.Йўлдошев иштирок этдилар.

Шавкат ТУРҒУНОВ

ПЕШТАХТАЛАР ТЎЛАДИГАН БЎЛДИ

ҚАШҚАДАРЁ. «Маданий моллар» ҳиссадорлик жамиятига тегишли дўконлар турли маҳсулотлар билан тўладиган бўлди. Боиси, жамият юртимиздаги ҳар хил корхоналар билан товар етказиб бериш юзасидан шартнома тузди. Хусусан, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 8 миллион сўмлик болалар аравачаси, велосипед, «Совпластитал» қўшма корхонаси 2 миллион сўмлик буюмлар етказиб беради. Шунингдек, «Фотон», «Ўзбум», «Осиёмусиқа» бирлашмалари ҳам ўз маҳсулотларини пештахталарга чиқаришни мўлжаллашган.

Юнус УЗОҚОВ

АНГРЕН ШАҲРИ

«ЎЗБЕКРЕЗИНОТЕХНИКА»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ»

1998 йил 26 мартдан бошлаб шарқона услубдаги

КАЛИШЛАР

мавсумий нархи арзонлашганлигини маълум қилади:

Болалар калишлари — 2,3 размерли — 222 сўм. (ҲДС).

Ўғил болалар калишлари 4,5 размерли — 234 сўм. (ҲДС).

Эркаклар калишлари 6-12 размерли — 246 сўм. (ҲДС).

Маҳсулот пул тўланган куни берилади.

МАНЗИЛ: Ангрен шаҳри: «Ўзбекрезинотехника» бирлашмаси. Тел: 37166 (код). 37735, 35761, Факслар; 37621, 37843.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, навбатчи Соҳиб САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36.136 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 01046

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ТАМАКИ ҚУТИСИДАГИ БЕЛГИЛАР

Бозор ва истеъмолчи

Барча мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам кашандалар кўплаб топилади. Начора, чекиш ё чекмаслик ихтиёрий. Ҳар қалай чекувчи бўлсангиз, яхшисини, сифат кафолати, ҳимоя даражаси мавжуд тамаки маҳсулотидан фойдаланганингиз маъқул. Зеро, бозорларимиз хилма-хил тамаки маҳсулотларига сероб. Шунинг учун, харид этаётган чоғда ҳар бир қутида акциз маркаси ва «чекиш соғлиқ учун хавфли» эканлиги тўғрисида ёзув мавжудлигига эътибор беринг. Агар бу белгилар бўлмаса, ундай тамаки маҳсулотлари мамлакатимиз бозорларига ноқонуний кириб келган бўлади. Қаерда ва қачон ишлаб чиқарилган ҳамда таркиби номаълум сигареталар бир томондан соғлиқ учун зарарли бўлса, иккинчи томондан акциз маркаларисиз бўлганлиги боис, мамлакат иқтисодиётига зиён келтиради. Бунинг олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилиб, мамлакатда акциз қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаган. Тамаки маҳсулотларини Ўзбекистондан олиб чиқиш ҳамда келтириш бўйича мажбурий маркалаш 1996 йилнинг 1 октябридан кучга кирган. Мамлакатимиз ҳудудига тамаки маҳсулотларининг ноқонуний тарзда келтирилиши, ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг олдини олиш, акциз солиғи тўловларининг ундирилишини таъминлаш мақсадида акциз маркалари жорий этилган. Акциз маркаларини қўллаш тартибидаги асосий талаб — акциз маркасининг маҳсулотга тўғри елимланишини, яъни сигарета қутиси очилганида марканинг йиртилишини тақозо этади. Демак, маркани ёпиштиришда мос елимдан фойдаланиш зарур. Бу — акциз солиғи тушумларининг тўлиқ бўлиши, бозор ва дўконларда сифатсиз, қаерда ишлаб чиқарилганлиги номаълум бўлган тамаки маҳсулотларининг ноқонуний тарзда сотилишига чек қўйиб, савдо-сотиқ интизомини қарор топтиришга имкон беради.

Хуллас, агар сиз чекувчи бўлсангиз, уни харид этаётган чоғингизда албатта, сигарета қутисига яхшилаб бир назар ташланг, акциз маркаси бор-йўқлигига эътибор қилинг. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Чекиш соғлиқ учун хавфли» деган ёзувларига аҳамият беринг.

АЛИШЕР БЕК